Юридик шахслар мол-мулкига
солинадиган солиқ суммаси
тўғрисидаги маълумотнома шаклини
тақдим этиш бўйича услубий
қўлланма

## МЎЛЖАЛЛАНАЁТГАН СОЛИҚ БАЗАСИ (МОЛ-МУЛКНИНГ ЎРТАЧА ЙИЛЛИК ҚОЛДИҚ ҚИЙМАТ) НИ СОЛИҚ ҲИСОБОТИДА АКС ЭТТИРИШ

Бунда, юридик шахс *my3.soliq.uz* сайти орқали “Электрон солиқ хизматлари”га кириб, Юридик шахслар ойнаси орқали “Шахсий кабинет”ни танлайди.

Очилган ойнада электрон рақамли имзо орқали аввал “Юридик шахс ” тугмаси, кейин “Кириш” тугмаси танланади.

Пайдо бўлган ойнадаги қаторга электрон рақамли калит пароли терилгач, юридик шахснинг шахсий кабинетига кирилади.




Шундан сўнг, “Юридик шахслар учун хизматлар” ойнасидан аввал “Солиқ мажбуриятлари” тугмаси, кейин эса “Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлари” тугмалари танланади.




@soliqnews

Очилган ойнадан аввал маълумот тақдим этиладиган йил танланиб, “Кўчмас-мулк объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (йиллик ҳисобот учун)” тугмаси босилади.




Очилган ойнадан **“+Объект қўшиш”** тугмаси танланади.




Шундан кейин, ойнада кадастр органлари ва e-ijara ахборт тизими маълумотлари асосида юридик шахсга тегишли кўчмас мулк объектлари рўйхати автоматик шаклланади.

Шаклланган рўйхатдан объект танланади ҳамда қатор охиридаги **“+Қўшиш”** тугмаси танланади.




Очилган ойнада кўчмас мулк объектининг кўрсатгичлари (кадастр рақами, мулк эгаллаган майдони) кадастр органлари маълумотлари асосида автоматик шаклланади.

Юридик шахс билан боғланиш учун телефон рақамини киртилади, объект тури танланади, объект тури бўйича майдон киритилади.



@soliqnews

Шундан сўнг, кўчмас мулк объектининг бошланғич, эскириш қиймати ойлар кесимида киритилади ва **ўртача йиллик қолдиқ қиймат** автомат шаклланади.



## Кўчмас-мулк объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (йиллик ҳисобот учун)

Телефон рақами: +998 (91) 123-45-67

Кадастр рақами: 10:12:43:03:01:0017

Мулк майдони: 76746

Объект турини танлаш: Бино иншоотлар бўйича жами қолдиқ (баланс) қий...

Объект тури бўйича майдон: 76746

| Кўрсаткичлар | | Сентябрь 9 - уст | Октябрь 10 - уст | Ноябрь 11 - уст | Декабрь 12 - уст | Ўртача йиллик (қолдиқ) қиймат (1-уст) + (2-уст) + (3-уст) + (4-уст) + (5-уст) + (6-уст) + (7-уст) + (8-уст) +(9-уст) + (10-уст) +(11-уст) + (12-уст))/12 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Бошланғич қиймати | 7.5: | 14 428 791 507.5: | 14 428 791 507.5: | 14 428 791 507.5: | 14 428 791 507.5: | 14428791507.53 |
| Эскириш суммаси | 6.3 | 2 494 431 670.94 | 2 528 212 475.58 | 2 584 611 617.85 | 2 641 010 760.12 | 2415634243.75 |
| Қолдиқ қиймати | 1.2: | 11 934 359 836.5' | 11 900 579 031.9: | 11 844 179 889.6: | 11 787 780 747.41 | 12013157263.78 |

Керакли ҳужжатни юклаш

Ортга қайтиш | Юбориш

**Эътибор беринг,** агар бир кадастр рақамида, бир неча турдаги (мисол учун: темир йўл, минимал қиймат қўлланилмайдиган объектлар ва рўйхатда келтирилган) мавжуд бўлса ⊕ тугмасидан фойдаланган ҳолда объект майдонини ва ўртача йиллик қолдиқ қийматни тўғрисидаги маълумотларни киритиш имконияти мавжуд.

@soliqnews



## Кўчмас-мулк объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (йиллик ҳисобот учун)

Телефон рақами: +998 (91) 123-45-67

Кадастр рақами: 10:12:43:03:01:0017

Мулк майдони: 76746

Объект турини танлаш: Темир йўллар, магистрал қувурлар, алоқа ва електр...

Объект тури бўйича майдон: 76000

| Кўрсаткичлар | Январь 1 - уст | Февраль 2 - уст | Март 3 - уст | Апрель 4 - уст | Май 5 - уст | Июнь 6 - уст |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Бошланғич қиймати | 14 428 791 507.5 | 14 428 791 507.5: | 14 428 791 507.5: | 14 428 791 507.5: | 14 428 791 507.5: | 14 428 791 507.5: |
| Эскириш суммаси | 2 224 185 233.82 | 2 257 966 038.46 | 2 291 746 843.1 | 2 325 527 647.74 | 2 359 308 452.38 | 2 393 089 257.02 |
| Қолдиқ қиймати | 12 204 606 273.7' | 12 170 825 469.0' | 12 137 044 664.4: | 12 103 263 859.7' | 12 069 483 055.1: | 12 035 702 250.5 |

Объект турини танлаш: Темир йўллар, магистрал қувурлар, алоқа ва електр...

Объект тури бўйича майдон: 746

| Кўрсаткичлар | Январь 1 - уст | Февраль 2 - уст | Март 3 - уст | Апрель 4 - уст | Май 5 - уст | Июнь 6 - уст |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Бошланғич қиймати | 120 749 926.09 | 120 749 926.09 | 120 749 926.09 | 120 749 926.09 | 120 749 926.09 | 120 749 926.09 |
| Эскириш суммаси | 1 006 249.38 | 1 509 374.07 | 2 012 498.76 | 2 515 623.45 | 29 289 732.37 | 56 063 841.29 |
| Қолдиқ қиймати | 119 743 676.710C | 119 240 552.020C | 118 737 427.33 | 118 234 302.64 | 91 460 193.72 | 64 686 084.8000 |

**Диққат!** Бир кадастр рақами бўйича бир неча турдаги объектлар мавжуд бўлган ҳолатда объектнинг умумий майдони ва объект турлари бўйича киритилган майдонлар йиғиндиси бир хил бўлиши лозим.

Шундан сўнг, шаклларган маълумотлар бўйича асослантирувчи ҳужжатлар илова қилинади ва **“Юбориш”** тугмаси орқали маълумотлар солиқ органларига жўнатилади.

“Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлари ва ер участкалари” ойнасига қайтиб чиқиб, жўнатилган маълумотларнинг солиқ органи маълумотлар базасига бориб тушганлиги ҳолатини текшириш мумкин бўлади.




| № | Кадастр рақами | Объект жойлашган манзили | Ер майдони (кв.м) | Мулк қиймати (сўм) | Мулк эгаллаган майдони (кв.м) | Яратилган вақти | Ҳолати | Бириктирилган файл |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 10:08:03:02:01:0021 | ул. Уста Ширин, дом 136а | 23704 | 0 | 14818 | 16.03.2023 | Рад этилди | |
| 2 | 10:04:02:02:01:0180 | ул. Махтумкули | 40000 | 0 | 13079 | 01.08.2023 | Рад этилди | |

*Эслатма: Агар йил давомида объект **майдонида ўзгариш бўладиган** бўлса ҳар бир ўзгариш бўйича маълумотларни **алоҳида-алоҳида** юбориш лозим бўлади.*

@soliqnews

# Шундан сўнг солиқ ҳисоботида маълумотлар автоват шаклланади.

СТИР 203354367

**Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ**

**ҲИСОБ-КИТОБИ**

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Сумма |
|---|---|---|
| Солиқ базасининг умумий қиймати (020-сатр + 070-сатр + 080-сатр + 110-сатр+140-сатр) ҳамда хисобот шаклининг 3-иловасининг 060-сатр, 4-илованинг 15 устини | 010 | 1,072,482,366.67 |
| Бино-иншоотлар бўйича ўртача йиллик қолдиқ қиймати (Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобига 1-илованинг 010-сатри 16-устуни) ҳамда хисобот шаклининг 3-иловасининг 060-сатр | 020 | 1,072,482,366.67 |
| Солиқ базасини камайтириш ( Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобига 1-илованинг 010-сатри 19-устуни) | 030 | 0.00 |
| Солиқ базаси (020-сатр - 30-сатр) | 040 | 1,072,482,366.67 |
| Солиқ ставкаси, % да | 050 | 1.50 |
| Солиқ суммаси (040-сатр x 050-сатр) | 060 | 16,087,235.50 |
| Темир йўллар, магистрал қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобига 3-илованинг 030-сатри 16-устуни) | 070 | 0.00 |
| Консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ (ўртача йиллик) қиймати (Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобига 3-илованинг 040-сатри 16-устуни) | 080 | 0.00 |
| Солиқ ставкаси, % да | 090 | 0.00 |
| Солиқ суммаси ((070-сатр+ 080 сатр) x 090-сатр) | 100 | 0.00 |
| Норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектининг ўртача йиллик қиймати (Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобига 4-илова) | 110 | 0.00 |
| Солиқ ставкаси, % да | 120 | 0.00 |
| Солиқ суммаси (100 сатр x 110 сатр) | 130 | 0.00 |
| Қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектларининг (кўчмас мулк объекти фойдаланишга топширилгандан кейин олти ой ўтгач) ўртача йиллик қиймати ( Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китобига 3-илованинг 050-сатри 16-устуни) | 140 | 0.00 |
| Солиқ ставкаси, % да | 150 | 0.00 |
| Солиқ суммаси (140 сатр x 150 сатр) | 160 | 0.00 |
| Бюджетга тўланадиган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг умумий суммаси (060-сатр+100-сатр+160-сатр) | 170 | 16,087,235.50 |
| Солиқ даври учун жорий тўловлар бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисобланган суммаси | 180 | 2405166 |
| Қўшимча тўлашга | 190 | 13,682,069.50 |
| Камайтиришга | 200 | 0.00 |

@soliqnews

аниқланган холатда "Хатолик мавжуд" бўлимига жойлаштирилади, ёки "Жўнатилганлар" бўлимига жойлаштирилади.

Орқага Сақлаш Жўнатиш

**Бино иншоотлар бўйича мол-мулк солиғи ҲИСОБ КИТОБИ**

| Кўрсаткичлар* | Бино-иншоот манзили | Солиқ даврида | | Объект номи** | Сатр коди | Бино ва иншоатлар умумий майдони (кв.метр)*** | Минимал қиймати татбиқ этилмайдиган иншоотлар | | Минимал қиймат татбиқ этиладиган майдони (кв.метр)*** | Солиқ кодексига асосан кўчмас мулкнинг 1 кв.метри учун белгиланган энг кам қиймати (сўмда) | Камайтирувчи коэффициент | Минимал қиймат татбиқ этиладиган майдоннинг минимал қиймати | Мўлжалланаётган солиқ базаси (мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қийматидан) | Мустақил равишда баҳоланган (бозор) қиймати | Солиқ солинадиган база | солиқ ставкаси | солиқ суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Мулк ҳуқуқи пайдо бўлган сана | Мулк ҳуқуқи бекор бўлган сана | | | | майдони (кв.метр) | қиймати (сўмда) | | | | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| Бино-иншоотлар жами (0101 сатр+ ....+01199) | | | | | 010 | 617.0000 | 0.0000 | 0.00 | 617.00 | 1,500,000.00 | 1.00 | 925,500,000.00 | 220,111,450.65 | 60,344,397.00 | 1,072,482,366.67 | 1.50 | 16,087,235.50 |
| | | | | | 0111 | | x | x | | | | | x | x | | | |
| | | | | | 0112 | | x | x | | | | | x | x | | | |

## ЭТИБОР ҚИЛИШ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР.

1. Норматив муддатларда тугалланмаган қурилиш объектлари "Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлари ва ер участкалари" хизматининг 2-бўлими (Норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар) орқали юборилган маълумотлар ва 7-бўлим (Кўчмас-мулк объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (йиллик ҳисобот учун) даги маълумотлар орқаи шаклланади. 2-бўлим ва 7-бўлим орқали юборилган маълумотлардаги кўчмас **мулк майдонлари бир ўлчамда** бўлиши керак.

2. Концервацияга қўйилган объектлар "Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлари ва ер участкалари" хизматининг 1-бўлими (Камайтирувчи коэффициент қўлланиладиган объектлар) орқали юборилган маълумотлар ва 7-бўлим (Кўчмас-мулк объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (йиллик ҳисобот учун) даги маълумотлар орқали шаклланади. 1-бўлим ва 7-бўлим орқали юборилган маълумотлардаги кўчмас **мулк майдонлари бир ўлчамда** бўлиши керак.

3. Қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектлари "Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлари ва ер участкалари" хизматининг 4-бўлими (Кейинчалик сотиш учун қурилган турар жой кўчмас мулк объектлари) орқали юборилган маълумотлар ва 7-бўлим (Кўчмас-мулк объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (йиллик ҳисобот учун) даги маълумотлар орқали шаклланади.

4. Кўчмас мулк объектида мустақил баҳолашни амалга оширилган объектлар бўйича маълумотлар эса "Мол-мулкни баҳолаш натижаларини тақдим этиш" хизмати орқали юборилган маълумотлар асосида шаклланади.

**Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш департаменти**

@soliqnews